



Хазрат Навоий Шайх Аттор ёки Мавлоно Жалолиддин Румий каби шеър ёзишдан асосий максади “асрори илохий адоси ва маърифати номутанохий имлоси”[1] бўлмаса ҳам, эътиқоди ва дунёкараши асосини ислом дини ва тасаввуфий-ирфоний гоёлар ташкил этиши, унинг гуманизми айнан ана шу мангу ва бархаёт акидалар асосида шаклланганлиги ҳам инкор этиб бўлмас хақиқатдир.

Навоий шеъриятида Мухаммад пайгамбар(сав) сиймоси шунчаки янги диннинг асосчиси ёки турли мўъжизаларга эга, ўзининг гўзал ахлоки билан намуна бўла олган пайгамбар сифатигагина эмас, балки комиллик тимсоли бўлган Хазрати Инсон сифатида гавдаланади. Сўфийлар акидасига мувофиқ, олам яралишида “нури мухаммадий” ёки “хақиқати мухаммадия” асос қилиб олинган. Улар бунга “Аввалу мо халақаллоху таоло кона нури”[2] (Аллох таоло яратган илк нарса –менинг нуримдир) хадисини далил келтирадилар. Газал ва дostonларида Навоий Мухаммад пайгамбар (сав)ни барча одам ва оламдагилардан олдин яралган зот, дея талкин қилади:

Кидмат ичра барчадин бўлдунг мукаддамрок, валек
Улки сендиндур мукаддамрок, эрур хаййи қадим.[3]

“Хайрат ул-аброр”даги биринчи наъти “Ул хазратнинг нури қидамиятидаким, зот бахрининг аввалги жунбушида ул дурри бебаҳо ламъаси хало риштасин узди ва ул гавҳари якто ашиъаси ламъа кўргузди ва дурждин дуржга интикол этти то Сафиюллохдин Абдуллохга етти” деб номланади. Унда нури мухаммадий азал чарогини ёритгани, оламда вужуд сифатини қасб этган барча нарсалар шу нурнинг файзи туфайли бу мартабага етишгани, инсоният аслида унинг фарзандлари эканлигини турли далиллар билан исботлашга ҳаракат қилинган. Жумладан, Одам сўзи аслида “Ахмад” сўзидаги уч харфдан таркиб топганлиги, “Хо” (خ) харфи эса Ахмади мурсалга берилган Илохий мухаббат ва шу туфайли Хак уни ўз Хабиби эканлигига башорат этганлиги қуйидагича назм силкига тортилган:

Ўзга далил истаса табъи сақим,
Басдурур Одамда “алиф”, “дол”у “мим”.
Борчаси Ахмадда топиб иззу шон,
Ўглида уч харф атодин нишон.
“Хо”и мухаббат санга-ўқдур насиб,
Ким сени Хак деди ўзига хабиб.[4]

Куръони каримга мувофик, оламдаги барча мавжудотлар Аллох таолонинг “Кун!” (Бўл!) амридан сўнг йўклик оламидан пайдо бўлганлар. Хакикати мухаммадия ана шу амрнинг асоси– мохиятидир:

Мухаммад кофу нунга курратулъайн,
Туфайли кавн ўлуб, йўк-йўкки кавнайн.[5]

Бунга сабаб, Аллох таолонинг ушбу оламини яратишдан мақсад Мухаммад пайгамбар эди. Мавлоно Жалолиддин Румий “Маснавийи маънавий”сида “Лав лока ламо халактул-афлок” (Сен бўлмаганинда оламини яратмасдим) кудсий хадисининг шарҳида мулоҳаза юритишича, Мухаммад пайгамбарнинг олам яратилгандан анча кейин тугилгани билан оламдаги барча мавжудотлар ва хатто оламнинг ўзидан ҳам муқаддамрок эканлиги мева ва дарахт танокужи (парадокс) кабидир. Инсон мевали дарахт экаётганда уни келажакда берадиган меваси учун парвариш қилади. Агар ўша келажакда берилиши керак бўлган меваси бўлмаганида, бу ниҳол ўтиндан бошқа ҳеч нарсага ярамайди. Шунингдек, мевали дарахтнинг бошқа дарахтлардан афзаллиги ҳам ана шу меванинг мохияти унда мавжудлиги, мева бериш қобилияти борлиги, қолаверса, мева унинг

кўкаришига сабаб бўлган данакнинг асоси эканлигидадир[6]. Мухаммад пайгамбар ҳам олам яралишида данакнинг мағзи ролини ўйнаган нур сифатида барчадан бурун бор эди:

Нури мавжуд офаринишдин бурун,
Ким эди халкига муддат олти кун...
Нур йўкким, Хак таоло сояси,
Ложарам ўтти қуёштин пояси.[7]

Одатда, шохни Хак таолонинг ердаги сояси –“зилли Илох” дейдилар. Навоий ўз шеърларида пайгамбарни “шох” , дея васф этади. Аммо унинг шохлиги одатдаги подшоликдан фарқ қилади. Унинг тобелигида фақат мусулмонлар эмас, балки барча мавжудот унинг раъйига бош қўйганлар. У фақат ўз замондошлари ва каламравида ҳукмрон эмас – унинг дини байроги остида барча пайгамбарлар саф тортажаклар. Бадеуззамон Фурузонфар “Аходиси Маснавий” китобида шу маънида пайгамбаримиздан қуйидаги хадисни келтиради: “Мо мин набийин Одама ва мо сивоҳу илло тахта ливойи” (Одам(а) ва ундан бошқа барча набийлар менинг байрогим остида саф тортажаклар)[8]. Шунга асосланган ҳолда Навоий ибтидоси йўк азалдан интихоси йўк абадгача шохликни пайгамбаримизга мусаллам, деб билади. Агар Искандар Зулкарнайн каби жаҳонгирлар ўз қиличи ва тадбири билан бошқа шохлар салтанатини бекор қилиб, бутун оламга бир муддат ўзининг сиёсатини жорий қилишган бўлса, хотамуланбиё ўзигача бўлган барча шариатларни насх – бекор қилиб, қиёматгача Аллох таоло томонидан юборилган янги динни мўминлар қалбида мустаҳкам ўрнатишга эришди. Демак, унинг шохлиги инсониятнинг рухий оламида, уларнинг қалбида шаҳодат қалимаси ўрнашгани билан тасдиқланади:

Фалакка бу бахшиш қилурга не ҳад,
Сени Хак шах этмиш азал то абад.

Гувоҳ ўлди тожи футувват мунга
Далил ўлди мухри нубувват мунга[9].

Мухаммад алайхиссаломнинг пайгамбарлиги ҳам азалий ходиса. Унга вахий кирк ёшидан бошлаб келганига карамасдан, пайгамбарлик рутбаси хали Одам Сафийллох яралишидан анча олдин насиб этган. Ибн ал-Арабий таъбири билан айтганда, бу зот “Замон нуктаи назаридан барча анбиёдан кейин тугилганига карамасдан, барча салаф пайгамбарлар унинг нубувват мушкотидан бахраманд бўлганлар”. [10] Шу сабабдан, барча пайгамбарлар ўз умматларини аслида унинг динига даъват этганлар. Бас, Одам Сафийллох ва ундан кейинги барча инсоният унинг фарзандлари хисобланади, деган хулоса чиқади. Сўфийлар бу акидани асослашда Пайгамбаримизга нисбат бериладиган “Кунту набийян ва Одама байнал-мои ват-тийн”(Хали Одам сув ва тупроги коришмаганида мен пайгамбар эдим) ёки “Кунту набийян ва Одама байнар-рухи вал-жасад” (Мен пайгамбар бўлган замонларда Одам рух ва жасад ўртасида эди, яъни хали яралмаган эди) хадисига таянадилар[11]. Буни Навоий хазратлари ўз дostonлари ва газалларида турли ранг ва охангда баён этганлар. Жумладан:

Зихи такаддумунг Одамга бас хадиси сахих,
Бу нукта “кунту набийян” ишоратида сарих[12]. (Б-в., 78-бет)

Ёки “Садди Искандарий” достонида Булбашар, яъни Одам Атони пайгамбаримизнинг фарзанди эканлиги баёнида бу ота ва фарзандлик муносабати унинг асл мохияти, яъни “хакикати мухаммадия” туфайли содир бўлганини кайд килиб ўтади:

Бу сабкатки, зотингга берди аҳад,
Санга Булбашар тонг йўк ўлмок валад...
Ажаб йўк, сен ўлмок ато, ул сабий,
Бу маънигадур долл “Кунтун-набий”[13] (С-И., 21-бет)

Мохият нуктаи назаридан барча инсоният, демак, барча пайгамбарларнинг салафи ва отаси бўлган хотамуланбиё учун бошқа пайгамбарлар томонидан одамларни Хак йўлига хидоят қилиш учун кўрсатган мўъжизалари ҳам қайсидир маънода унинг камолоти ва тенгсиз салохиятини кўрсатувчи амаллар хисобланади. Колаверса, бу зотнинг шахсияти ва даҳоси бошқа пайгамбарлардан бир бош баланд туради. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф таъкидлаганидек, “бошқа пайгамбарларга улкан мўъжиза бўлиб хизмат қилган ходисалар Мухаммад алайхиссалом учун оддий бир иш эди. Деярли ҳамма пайгамбарларга берилган мўъжизаларга ўхшаш ишлар Мухаммад алайхиссалом ҳаётларида ҳам бўлиб ўтган. Бу ҳақдаги хабарлар ҳадис китобларида бор. Лекин бу нарсалар такрорланавериб оддий бир ҳолатга айланиб қолганидан катта шов-шув қилинмасди”. [14] Навоий ҳам ўз шеърларида қатор жойларда Мухаммад алайхиссаломни бошқа пайгамбарлар билан қиёслади ва унинг нубувват ҳайлида ҳам мислсиз эканлигини исботлайди. Жумладан, ўзининг гўзал қиёфаси билан машҳур бўлган Юсуф (а) пайгамбар ҳақида “Қисас ул-анбиё” да ушбу ҳадис келтирилган: “Одам (а)нинг хуснини иккига бўлдилар: ярмини Юсуфга бердилар, қолган ярмини эса олам халқига улашдилар” [15] Аммо шундай мислсиз гўзаллик соҳиби бўлган Юсуф ҳам малоҳатда Мухаммад алайхиссаломга тенг қелолмайди. Чунки унинг гўзаллиги ҳам Одам

алайхиссаломга жаннатда бўлганида Аллох таоло томонида берилган хусннинг даврлар оша зоҳир бўлган бир кўриниши, холос:

Юсуф эрмас чун малоҳатда жамолингга шабих,
Хуснунгга ани малих ўлмагай этсам ташбих.
Одам асрорининг ижмолини килди тафсил,
Мундин эркинки дединг ал-валаду сирри абих.[16] (Н-н., 460-бет)

“Ал-валаду сирру абих” ибораси ҳам пайгамбаримиз ҳадисларидан бўлиб, бу ҳадисни келтириш орқали Навоий Юсуф (а) хусни Одам Ато хуснининг “тафсили” эканлигига ургу бериш билан бирга, Одам ҳам аслида ўз отаси – Мухаммад алайхиссаломга ўхшаш эканлигига нозик ишора қилиб ўтади. Биринчи байтда Юсуфнинг хусни малоҳат бобида хотамуланбийё жамолига тенглашмаслиги ҳақида сўз юритилади. Ушбу киёс ҳам саҳих ҳадис негизида шаклланган. Хабарда келтирилишича, бир куни Ойиша онамиз (раз) расулуллоҳдан сўрайдиларким, хусн бобида ким гўзалроқ – у кишими ё Юсуф алайхиссаломми? Пайгамбаримиз жавоб берадиларким: Биродарим Юсуф мандан гўзалроқдир, аммо мен у кишидан малоҳатлироқман. Зероки у кишининг хусни оламга фитна солди, аммо мен барча оламдагиларга раҳмат қилиб юборилганман. Шу маънони Навоий бошқа бир газалда қуйидагича назмга солган:

Эйки Юсуф бирла сўрмишсен хабибим хуснидин,
Ул сабих ўлди латофат ичра, аммо бу малих[17].

“Саҳихи Бухорий”нинг “Расулуллоҳ саллаллоху алайхи ва салламнинг сифатлари хусусида”ги бобида хотамуланбийёнинг сиймолари тўғрисида қуйидаги ҳадис мавжуд: Абу Исҳоқ: “Бародан: “Расулуллоҳ (сав)нинг юзлари қилич қаби (жилвали, порлок) эрдими?” – деб сўрашди. Шунда Баро: “Йўқ, балки ой (камар) монанд эрди,” – деб жавоб бердилар,” – дейдилар[18] Мумтоз Шарк шеърятда гўзал ёрни ойга нисбат бериш сабабларининг бири ҳам ушбу ҳадиснинг маъноси бўлса, ажабмас. Навоий қуйидаги байтда Мухаммад алайхиссаломнинг Куръонда “Нажм” (юлдуз) сифати билан келтирганлигини ҳисобга олган ҳолда, салаф пайгамбарлар ҳамда хотамуланбийёнинг Илохий Саодатга эришиш бобида киёслашда юлдуз ва ой таносубидан маҳорат билан фойдаланган. Агар бошқа набийларнинг толеъ осмонида бахт юлдузи порлаган бўлса, хотамуланбийёнинг ўзлари барча пайгамбарлар ва умуман башарият оламининг бахт-саодат юлдузи ҳисобланадилар. Колаверса, нужум илмида толенинг саъд ё наҳс келишини аниқлаш оининг қайси осмоний буржда қарор топганига боғлиқ:

Нубувват авжида кўп толеъ ўлди ахтари саъд,
Бири сен ойдек эмас эрди ахтари масъуд[19](Б-в., 88-бет)

Ислом тарихидан маълумки, чехраси илохий файз тажаллийсидан ойдек порлаб турган сўнги пайгамбарнинг шариатини Макка мушриклари қабул этмасдан, ундан мўъжиза талаб қилдилар. “...Шунда ул зот ойни иккига бўлиб кўрсатдилар, хатто одамлар Хироръ тогини оининг икки бўлаги орасида кўришди”[20]. Ушбу ходисани Навоий китъалардан бирида ўзига хос маҳорат билан тасвирлаган. Навоий талқини бўйича, мазкур амал Аллохнинг инояти билан шунча осонлик билан амалга ошдики, хатто меҳмонсиз

овкатланмайдиган Иброхим Халилуллох дастурхонида нонни ушатиш бунчалик осонлик билан муяссар бўлган эмас:

Мухаммади арабий бармоги ишорат ила
Сипехр хонида ой курси ул сифат осон
Ики ойирдики, бир нонни хони ичра Халил
Анингдек икки ушатмок эмастурур осон[21].

Исо алайхиссалом ва Мухаммад Мустафо (сав)нинг ўхшаш томонларидан бири – иккаларига ҳам Сўз эъжози насиб этган. Исо алайхиссалом ўз нафаси билан ўликларга жон киргизгани ҳамда дардмандларга шифо бергани тўғрисида диний адабиётларда катор кисса ва ривоятлар мавжуд. Мухаммад пайгамбарга эса бутун олам асрорини ўзида мужассам этган Сўз – Куръони карим берилган. Агар Исо Масихнинг мўъжизаси жисмлар оламига оид бўлса, хотамуланбиёнинг мўъжизаси абадий бархаёт рухоният оламига тегишлидир; Исодан шифо топганлар ёки у туфайли кайта тирилганлар эртами-кеч фоний дунёни тарк этишга махкумдирлар. Нариги оламда бу мўъжизавий кўмак ҳеч нарсага ярамайди, аммо Мухаммад алайхиссалом келтирган Сўздан бахраманд бўлган жонлар икки дунё саодатига эришиши мукаррар:

Берур ул бир ўлукка жон сўзидин,
Тан аро киргузур равон сўзидин.
Муни дерлар: “Мухаммади арабий”
Ул бирининг “Масих” эрур лакаби[22].

Навоий Исо Масих мўъжизалари тўғрисида ҳам “хакикати мухаммадия” таълимотига мувофик мулоҳаза юритади. Унинг фикри бўйича, Исо Масихнинг ўликни тирилтирувчи мўъжизаси ҳам Юсуфнинг хусни каби хотамуланбиёнинг “нубувват мушкоти”дан бахраманд бўлгани туфайлидир. Бу ақида расмий калом илми намояндалари томонидан унчалик макбул кўринмаса ҳам, сўфийлар халқаси, айникса, ваҳдат ул-вужуд назарияси тарафдорлари ичида кенг тарғиб қилинади:

Гар такаллумдин ўлукни тиргузурлар хўблар,
Барчасига махвашим гўё килур талкин хадис[23].

Шу ўринда шуни ҳам кайд қилиб ўтиш керакки, ваҳдат ул-вужуд назариясининг асосчиси Мухйиддин Ибн ал-Арабий барча оламдагилардан олдин вужудга келган Мухаммад билан ислом шариатини жорий қилган Мухаммад пайгамбар ўртасида фарқ кўяди. Унинг ақидаси бўйича, “хакикати мухаммадия” илохий асрорнинг бироз конкретлашган кўриниши, Мухаммад эса шу хакикатнинг моддий оламдаги ифодаси, холос. Аммо Навоий ўз шеърларида тавсифлаган Мухаммад кандайдир мавҳум, умумий тушунча эмас, балки у:

Кураший асл, Абтахий махмил,
Хошимий кеш, Ясрибий манзил[24].

Етимликда ўсиб-улгайиб, бир муддат савдогарлик билан шугулланиб, тижорат ахлининг

ишонч ва хурматига сазовор бўлган, одабийликнинг олий намунаси ҳисобланмиш энг гўзал фазилатларнинг соҳиби, Аллохнинг сифатлари билан зийнатланган инсон:

Деб лакабин ахли тажаммул Амин,
Андин ўлуб ҳамдами Рухул-амин[25].

Пайгамбаримиз (сав)дан ривоят қилинадиган ҳар бир ҳадис у кишининг “камол ахли ичра энг акмали” эканлигига гувоҳлик беради. Жумладан, Абдуллох ибн Умар (раз)дан куйидаги ҳадис ривоят қилинади: “Расулulloх (сав) ўзлари ҳам шалок сўзларни сўзламас, ўзгаларни ҳам шалок сўзламоғига йўл қўймас эрдилар ва ул зот “Дарҳақиқат, сизларнинг яхшигингиз–хулқи яхшигингиздур!”– деб марҳамат қилар эрдилар”[26]. Ўзи ҳам гўзал ахлоқ соҳиби бўлган шоирни ўз дини билан бирга гўзал ахлоқни ҳам тарғиб қилган ва шунга оғишмай амал қилган пайгамбаримиз даҳосининг бу қирраси ҳам мафтун этганди, албатта. Жумладан, газалларнинг бирида шундай деб ёзади:

Зихи азалда қарам айлабон санга халлоқ,
Қарими хилқат ичинда макорими ахлоқ[27].

Шу ўринда яна бир нарсани алоҳида қайд қилмоқчимиз: ислом дини заминиди шаклланган барча таълимотлар (албатта, динни ўзининг гаразли ниётларини рўёбга чиқариш учун нотўғри талқин қиладиган айрим бузгунчи тоифалар бундан мустасно) Мухаммад пайгамбарни қамолотнинг тимсоли ва қомил инсоннинг юксак намунаси дея эътироф этадилар. Аллох таоло ҳам барча мавжудотдан аввал Қомил Инсон – Мухаммад Мустафонинг нурини яратган экан, демак, қамолотга интилиш, хайвоний ҳислатлардан қокланиб, макорими ахлоқ – гўзал ҳислатлар билан зийнатланиш ва хотамуланбиё қоби тўғри сўз, эзгу амал ва пок ниёт билан яшаш ҳар бир инсоннинг бу дунёдаги энг олий мақсади бўлмоғи зарур. Навоийнинг Мухаммад пайгамбар сиймосини ўз шеърларида яратиши ҳам ана шу олий мақсад ва улуг гоё сари одамларни қорлашнинг бир ифодасидир.

“Сунани Термизий”да Аббос ибн Абдулмуталлибдан ривоят қилинган ҳадисда қелтирилишича, қунлардан бир қуни бир гуруҳ сақобалар пайгамбарни қутиб ўтирардилар. Ул зот қикиб, уларга яқинлашганларида, уларнинг Иброҳим Халилуллох. Мусо Нажиюллох, Исо Рухуллох, Одам Сақфияллох қоби пайгамбарларни ўзаро эслашиб сифатлаётганларини эшитиб қоладилар. Салом бериб уларнинг суҳбатлариға қўшилган пайгамбар уларнинг сўзларини тасдиқлаб, илова қиладилар: “Огоҳ бўлингқим, мен Аллохнинг Хабибиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат қуни ҳамд байроғини қўтарувчи ҳамда биринчи шақоат сўровчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен қиёмат қуни биринчи шақоат қилинувчиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ. Мен жаннат ҳалқаларини биринчи ҳаракатға солувчиман. Бас, Аллох уни (айнан) мен учун очар ҳамда мени ва менинг умматимнинг фақирларини унга қирғизар. Мен аввалқилар ва охириларнинг энг муқаррамиман ва бунда ҳеч қандай (ортиқча) фахрланиш йўқ.”[28] Ушбу ҳадисдаги пайгамбаримиз шаънида айтилган сўзлар юқорида айтилган ҳадисларнинг ҳулосаси ва қаймоғидир. Шундай улуг пайгамбарнинг уммати бўлган Навоийнинг:

Улусни тутти Навоий сўзи анинг бирла
Магар расули алайхиссалом килди хадис.[29]

– деганида хам ҳеч кандай ортикча фахрланиш йўк, балки вокеликнинг айна ўзидир.

Олим Давлатов,
Тошкент давлат шаркшунослик
институти тадқиқотчиси

- [1] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 14-том. “Махбуб ул-кулуб”, 25-бет. Т.: “Фан”, 1998-йил.
- [2] – Хожа Мухаммад Порсо. Шарҳи “Фусус ул-хикам”, 78-бет. Техрон: Нашри Маркази донишгоҳий, х.ш. 1366 йил.
- [3] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 5-том. “Бадоеъ ул-васат”, 279-бет. Т.: “Фан”, 1990-йил.
- [4] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 7-том. “Хайрат ул-аброр”, 33-бет. Т.: “Фан”, 1998-йил.
- [5] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 8-том. “Фарход ва Ширин”, 17-бет. Т.: “Фан”, 1998-йил.
- [6] – Доктор Абдулхусайн Зарринқўб. Бахр дар кўза, 95-бет. Техрон: Махорат, х.ш.1374 йил
- [7] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 12-том. “Лисон ут-тайр”, 14-бет. Т.: “Фан”, 1998-йил.
- [8] – Бадеуззамон Фурузонфар. Аходиси “Маснавий”, 245-бет. Техрон: Амири кабир, х.ш. 1376йил
- [9] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами, 11-том. Садди Искандарий, 23-бет. Т.:Фан, 1997 йил.
- [10] – Хожа Мухаммад Порсо. Шарҳи “Фусус ул-хикам”, 92-бет. Техрон: Нашри Маркази донишгоҳий, х.ш. 1366 йил.
- [11] – Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Хадис ва ҳаёт. Нубувват ва рисолат китоби, 26-бет. Т.:Шарк, 2006 йил
- [12] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 5-том. “Бадоеъ ул-васат”, 78-бет. Т.:Фан, 1990-йил.
- [13] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами, 11-том. Садди Искандарий, 22-бет. Т.:Фан, 1997 йил.
- [14] – Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Хадис ва ҳаёт. Нубувват ва рисолат китоби, 176-бет. Т.:Шарк, 2006 йил
- [15] – Кисас ул анбиё, 235-бет. Душ.: Адиб, 1990 йил.
- [16] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами, 2-том. Наводир ун-нихоя, 93-бет. Т.:Фан, 1990 йил.
- [17] — Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 1-том. “Бадоеъ ул-бидоя”, 78-бет. Т.:Фан, 1990-йил.

- [18] – Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-сахих. 2-том, 354-бет. Т.: Комуслар Бош тахририяти, 1997-йил.
- [19] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 1-том. “Бадоеъ ул-бидоя”, 78-бет. Т.:Фан, 1990-йил.
- [20] – Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-сахих. 2-том, 562-бет. Т.: Комуслар Бош тахририяти, 1997-йил.
- [21] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 6-том. “Фавоид ул-кибар”, 458-бет. Т.:Фан, 1991-йил.
- [22] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 10-том. “Сабъаи сайёр”, 33-бет. Т.:Фан, 1992-йил.
- [23] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 2-том. “Наводир ун-нихоя”, 84-бет. Т.:Фан, 1990-йил.
- [24] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 10-том. “Сабъаи сайёр”, 18-бет. Т.:Фан, 1992-йил.
- [25] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 7-том. “Хайрат ул-аброр”, 36-бет. Т.:Фан, 1991-йил.
- [26] — Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Жомиъ ас-сахих. 2-том, 474-бет. Т.: Комуслар Бош тахририяти, 1997-йил.
- [27] – Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 1-том. “Бадоеъ ул-бидоя”, 269-бет. Т.:Фан, 1990-йил.
- [28] – Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Хадис ва хаёт. Нубувват ва рисолат китоби, 32-бет. Т.:Шарк, 2006 йил.
- [29]– Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 3-том. “Гаройиб ус-сигар”, 89-бет. Т.:Фан, 1990-йил.